

## Ўзбекистон ва Туркия Президентлари икки томонлама кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилдилар



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль кун Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.

Туркия етакчиси давлатимиз раҳбарини таваллуд кун билан самимий муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлик ва катта муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига фаровонлик ва равнақ тилади.

Икки томонлама кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон-Туркия кўп қиррали ҳамкорлигининг жадал ривожланишига хизмат қилаётган ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Пандемия оқибатларига қарамай, жорий йил бошидан товар айирбошлаш қарийб икка бараварга кўпайди, 230 дан ортиқ янги қўшма корхона ташкил этилди, муҳим маданий-гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар ҳамда жорий йил якунига қадар мамлакатимизда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилишини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш муҳим эканини таъкидладилар.

Минтақавий шерикликнинг амалий жиҳатлари, шу жумладан Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашиши нуқтаи назаридан муҳокама қилинди.

Марказий ва Жанубий Осиёда минтақавий боғлиқликни кучайтириш бўйича Тошкент халқаро конференциясининг яқунлари юксак баҳоланди.

**Манба**